

# ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 10 (9.813)

2003 ЙИЛ 15 ЯНВАРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

КЕЧА

мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунни умумхалқ байрами ва республикамиз Қуроли Кучларининг 11 йиллиги кенг нишонланди. Шаҳримизда ҳам ушбу қутлуг байрамларга бағишланган кўплаб тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Енгин хавфсизлиги Олий техника мактабида ўтказилган байрам тадбирида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси вакиллари қатнашиб, билим юрти тарбияланувчиларини Ватан ҳимоячилари кунни билан қизгин қутлаб, уларга Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси томонидан ажратилган совғаларни топширишди.

Тошкент Олий умумқўшни кўмондонлари билим юртида шаҳар умумтаълим мактаблари, ҳарбий-ватанпарварлик клублари ўқувчилари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари — тинчлик ва барқарорлик кафолатидир» шиори остида ўн та спорт тури бўйича ҳарбий-спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Марказий Офицерлар саройи, «Наврўз» тантаналар уйи, туманлар ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Фавулдода вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида Ватан ҳимоячилари ва Қуроли Кучларимизнинг 11 йиллигига бағишлаб ташкил этилган байрам тадбирларида юртимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз осойишталигини сақлаш йўлида фидоқорлик билан ўз хизмат вазифаларини ўтаётган ходимлар тақдирланди.



Шаҳримиздаги «Шайхонтоҳур текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муҳим ҳисса қўшаётган корхоналар сирасига киради.

СУРАТДА: корхонанинг ёш, моҳир ишчиларидан бири Раъно Шарипова.

Сергей Любич олган сурат.

## ХУМ саҳоси

Барча маъбаламда олигган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижроси муҳокима қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлар музейида ўқинчи бутун армия бадий ижодиёти кўргазмаси очилди. Республикаси Қуроли Кучларининг ташкил топганига 11 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган ушбу кўргазмада 70 дан ортиқ асарлар намойиш этилмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кўнлик семинар-мунозараси бошланди.

● Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида Германиянинг «Филипс» фирмаси томонидан тез тиббий ёрдам автомашиналарини топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Бухоро вилоятининг Олот туманида чегара пости қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● «Каттакўрган ёғ-мой» акциядорлик жамиятида янги линия ишга туширилди. Ушбу цехда кўнига 20 тоннадан ортиқ ёғ қадокланмоқда.

● Термизда 1050 ўқув ўрнига эга академик лицей қурилиши ниҳонсига етмоқда. 50 та ўқув ва 20 компьютер синфларига эга ушбу таълим масканини январь ойининг охирида фойдаланишга топшириш бўлиб қўйилган.

● Мўлтин республикамиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турсада ёгингарчилик бўлмади. Кундузи ҳаво ҳарорати 9-11 даража илқ бўлди.



### Жаҳонда

● БМТ Шимолий Кореяга мамлакатдаги гуманитар вазиятни ўрганиш учун ўзининг махсус вакилини юборди.

● АҚШ Афғонистонга савдо имтиёзларини беришга қарор қилди. Оқ уй матбуот котибининг хабарига кўра Афғонистон ривожланган мамлакатлар рўйхатига қиритилган бўлиб, улар АҚШ бозорига бир қатор товарларни бож тўловисиз қиритишлари мумкин.

● Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрига кўра, 2003 йилда жаҳон иқтисодийнинг йиллик ўсиши 3,7 фоиз бўлиши кўтилмоқда.

● Халқаро Олимпия кўмитасининг Президенти Жак Рогге ҳозирги кунда Грецияда бўлиб, маъзур мамлакатнинг 2004 йилги ёғи олимпиадага тайёргарлигини баҳоламоқда.

● Германияда ҳафтанин бошида бўлиб ўтган кучли қорбўронлар кўп ҳудудларда транспорт алоқасининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. ГФРнинг шимолий ва шимолий-шарқий ҳудудларида табиий офат кўплаб автохалокатларга сабаб бўлди.

● Британиялик 15 ёшли Себастьян Кловер Атлантик океанини яхтада сузиб ўтган энг ёш денгизчи бўлди. У 25 кун ичида 2700 миля (4320 километр) масофани босиб ўтиб Антигуа оролига етиб келди.

## ФАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### Юбилейга тайёргарлик қизгин

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан халқимизнинг кўплаб улук фарзандлари номи тикланди, қадри қайта эъзоз топди. Миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққийоти йўлига бахшида этган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш борисида амалга оширилётган кўплаб хайрли ишлар бунинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири — атоқли ўзбек адиби, академик Фафур Ғуломдир.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ шу йил май ойида адиб таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Юбилей тантаналарига қадар адиб уй-музейи таъмирланади, атрофи ободонлаштирилади, шоир хайкали яратилади. Шу кунларда Тошкентнинг Арпапоқ кўчасидаги Фафур Ғулом уй-музейини таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда.

Музейнинг мемориал қисми асосан таъмирлаб бўлинди, — дейди адибнинг қизи, уй-музей директори Олмас Аҳмедова ўза мухбири билан сўбатда. — Хоналарни Фафур Ғулом яшаган даврда

гидек жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Музей ёнида икки қаватли бино барпо этилган. Ундан атоқли адиб ҳаёти ва ижодига оид, шунингдек, Фафур Ғулом ўз асарларида қуйлаган турли йирик қурилиш-турғуридаги экспозициялар урин олади. Атоқли адиб ижодини «чўкур ўрганиш ис-тағида бўлган олимлар, тадқиқотчилар ва мухлислар учун қўлай шароит яратилади.

Шоирнинг барча асарлари дискетларга ёзилди. Кутубхона ва кинозал бўлади. Ҳозир архивлар устида жиддий иш олиб бориляпти.

Музей экспозицияларини янгилаш учун одамларнинг қўлидаги бор материал, фотосурат ва адиб ёзган хатлар йиғилияпти.

Уй-музей ёнидаги Анҳор тосаланиб, қирғоқлари тартибга келтирилган, музей атрафи янада кўркам ва файзал қиёфа қўсаб этди.

Юбилей муносабати билан адиб ижодига мансуб қатор китоблар нашрдан чиқарилади. Ҳозирдаёқ Фафур Ғуломнинг бир жилди «Танланган асарлари» тўпلامини нашр этишга киришилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида эса болалар учун лотин алифбосида «Шум бол», «Едгор» асарлари чоп этилаётир. Бошқа бир қанча нашриётлар ҳам адибнинг китоблари, у ҳақдаги тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисоаларни босмадан чиқаради.

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган адиб хайкалининг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловга профессор халқаро ҳаваскор хайкалтарошлардан ўттиздан зиёд ижодий иш келиб тушди. Энг муносиб лойиҳа асосида яратилган улғувор хайкал пойтахтимиз марказида — Фафур Ғулом кўчасидаги адиб номи билан аталувчи метро станцияси яқинидаги майдонда қад кўтарилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда «Фафур Ғулом ижодининг маънавий-маърифий аҳамайти» мавзюида илмий анжуман ўтказилади.

Адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм, унинг асарлари асосида фильм ва спектакллар, адабий-бадий композициялар, мусиқа асарлари яратилиши режалаштирилган.

Қисқаси, Ўзбекистон халқ шоири, академик Фафур Ғулом олийбеини кенг нишонлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида барча ташкилий, амалий ишлар ўз ичросини топмоқда.

Назозат УСМОНОВА,  
ўза мухбири.

## Қисқаси

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига профессор ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда уюштирилган тадбир «Миллий мерос, ватанпарварлик ва ёшлар тарбияси» деб номланди.

Ўзбекистон Давлат миллий университетига иккинчи чакриқ Олий Мажлиснинг 10 сессияси материалларини ўрганиш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида этишди.

Ойбек номидаги уй-музейда атоқли адиб Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекнинг хотирасига бағишланган кеча адиблар, шоирлар иштирокида бўлиб ўтди.

### Янги йилнинг дастлабки медалли

Спортчиларимиз 2003 йилдаги дастлабки мусобақаларни кўтаринчи рўхта бошлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси матбуот марказидан маълум қилишларича, янги йилнинг илк медалли юртимиз дзюдочиларига nasib этди. Японияда ўтказилган «А» тоифали халқаро турнирда 73 килограмм вазн тоифасида бел олишган Эгамназаров Акбаров бронза медалга сазовор бўлди.

Катта мураббий Армен Багдасаров шоғирдларидан Санжар Зокиров ҳам ўз вазн тоифасида кучли бешлиқдан жой олди.

ўза.

Иқтисодиёт

«Покиза»нинг хислати

Шаҳримиздаги «Хабигул» хусусий фирмасида сифатли ва инсон саломатлигига зарари бўлмаган ювша ва тозалаш воситалари ишлаб чиқарилади. Иккамчи ҳам ашё маҳсулотларидан «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган замонавий дастгоҳлар асосида тайёрланаётган корхона маҳсулотлари харидор талаб ва эҳтиёжи асосида қадқолқаниб, шартнома асосида савдо шохбачаларига чиқарилмоқда.

Шуниси эътиборлики, ушбу ювша ва тозалаш воситалари табиий, экологик тоза ўт-ўланлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. «Покиза» белгиси билан чиқарилаётган фирма маҳсулотларига нафақат пойтахтимизда, балки вилоятлар савдо шохбачаларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

— Утган йилда бор имкониятларимизни ишга солиб 40 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор аёл Гулчеҳра Хабибуллоева. — Биз ҳамма маҳаллий ҳам ашадан тайёрлаётган маҳсулотларимизни сифатли ва четдан келтириладиганидан арзонроқ бўлишига, талаб ва эҳтиёжга кўра қадқолқанишига эътибор қаратамиз. Аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган талабини қондириш бора-борида мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз хиссамизни қўшиш ниятидамыз. Ушбу мақсадга етиш учун ҳаракат қилаёмиз.

Корхонада меҳнат қилаётган 10 нафарга яқин тадбиркор маҳсулот турларини ошириш, унинг рақобатбардорлигини таъминлаш борасида ҳам ишланмоқда. Ишлановлар самараси жорий йилда ўз натижасини берса ажабмас.

Жилоли ойналар

«Настар» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини қорайтирилган ойналар тайёрлашдан бошлаган бўлса, бугунга келиб корхона турли рангдаги ойналар ишлаб чиқарилмоқда. Украинадан келтирилган замонавий линия билан жиҳозланган корхона цехларида 20 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, маҳаллий ҳам ашадан тайёрланаётган рақобатбардор рангли ойналарга нафақат пойтахтимиз, балки вилоятлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

— Тадбиркорларга қаратилган эътибор боис иш бошлаган бўлсак, кейинги йилларда яратилган имкониятлар бизга янада куч-ғайрат бағишлади, — дейди корхона раҳбари Сайдахмад Бурхонов. — Айниқса, молиявий ёрдамдан фойдаланиб, 1999 йилда банкдан 150 минг доллар кредит олдик. Ушбу маблағ ҳисобидан замонавий технология сотиб олдик, ҳам ашё харид қилиб ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, буюртмаларни ўз вақтида бажаришга муваффақ бўлдик. Махсулот ишлаб чиқариш ҳамми ҳам орди. Натижада олган қарзимизни вақтида қайтаришга муваффақ бўлдик.

Корхона ахли томонидан ўтган йилда 3 хил рангдаги ойна маҳсулотлари тайёрланди. Ушбу маҳсулотлардан бунёд этилаётган биноларимизни безашда, қўрқамлигини таъминлашда фойдаланилмоқда.

Тадбиркорлар жорий йилда ҳам ўз олдларига қурилиш ташкилотларига рақобатбардор ойна маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга, унинг харидориги турларини кўпайтиришга аҳд қилишган. Унинг яна 2 хил рангдаги тури яратилади. Шу билан биргаликда иморатларимиз учун хавф-хатарсиз, бирор шикаст туйғайли синса ҳам соҳилиб кетмайдиган ойна турини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Ушбу маҳсулот буюртмалар асосида тайёрлаб берилди.

Дилноза ФҒЕСОВА

«БАНДЛИК» ДАСТУРИ

Ишга марҳамат

Кучли ижтимоий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш, инсон омилига асосий эътибор қаратиш демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш борасида шаҳар меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Бош бошқарманинг туманлардаги бўлимлари томонидан ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларнинг самараларидан шаҳримиз аҳолиси хурсанд.

Яқинда Миробод туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан саннат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ва вакант вазифалар ярмаркаси уюштирилди ҳамда ундан кўзланган асосий мақсадларга эришилди.

Авалло шуни таъкидлаш кераки, бу маъзур туманда ўтказилаётган шундай тадбирлардан биринчиси эмас. Фақат ўтган йилнинг куз ойларининг ўзида миқдорликларнинггина эмас, балки бутун пойтахт бўйлаб иш излаётган кишиларнинг ишга жойлаштириш мақса-

дида уч марта шундай тадбирлар ўтказилди. Уларнинг айримлари бевосита маҳаллаларнинг ўзига кўчирилди. Охириги ярмарка эса асосан ёшларга мўлжалланган бўлиб, ўрта мактаб, коллеж, лицейларни тамомлаётган ўсмирларни касбга йўналтиришга бағишланди.

— Биз туманимиз ёшларини ташкилотимиз фаолияти билан яқиндан таништириш ниятидамыз, — дейди Миробод тумани меҳнат бўлимининг раҳбари Баҳодир Хусниддинхўжаев. — Шу сабабдан бугунги кунда 13, 21-касб мактаблари, 6-бизнес мактаби, касб-ҳунар техника коллежи, темир йўл техникуми каби ўқув юрталарининг битирувчилари бизнинг асосий «миқоз»ларимиз ҳисобланади. Умуман, бугунги тадбир давомида бизга 450 га яқин ёшлар келиб мурожаат этишди ва уларнинг бари тумандаги «Фотон», «Тонг», «Уз-электроаппарат» ҳиссадорлик жамиятлари ва яна кўплаб йирик-



майда корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринлари, уларда яратилган шарт-шароитлар билан танишишди, малакали ҳуқуқнослардан маслаҳатлар олишди. Албатта, ҳар бир тадбир натижаси билан чиroyли бўлади. Ярмарка давомида тўксондан ортиқ кишилар муайян корхона ва ташкилотлар кадрлар бўлимига йўланмалар олишди. Бундан ташқари, 12 киши тумандаги ўқув курсларида янги иқтисодликни ўзлаштириш ниятини билдиришди. Энг муҳими, шаҳар ўқув маркази ҳам бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнашиб, ўз касбга тайёрлаш курслари тўғрисидаги барча маълумотларни берди.

Хозирда Миробод тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими Обод маҳалла

йилида амалга ошириладиган ишларни режалаб, махсус мақсадли дастурни тузган. Унга кўра, жумладан, жорий йилда тумандаги маҳаллалар фаоллари билан учрашувлар ўтказилиб, жойларда ёшларни «Усто-шогирд» йўналиши бўйича ўқитишни янада кенгрок оммалаштириш масалалари муҳокама қилинади. Бунда маҳаллаларимизда азалдан авлоддан-авлодга ўтиб келган қаштачилик, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги каби халқ хунарларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: Миробод туманида бўлиб ўтган ярмаркада ёшлар қимматли маслаҳатлар олишиб, ўзлари ёктирган ишларга жойлашмоқда.

Тоҳир Ниятуллин олган сурат.

Ўзбекистон касоба уюшмалари мактаб ўқувчиларининг қишки таътил пайтида ҳар бир кунни мароқли ва мазмунли ўтказишлари, маданий ҳордик чиқаришлари, дам олиб, саломатликларини тиклашларини ҳам эътибордан четда қолдирмапти. Фикримизнинг далили сифатида қишки таътил кунларида пойтахтимиздаги «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Алгоритм» стационар туридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида 300 нафар, «Технолог» акциядорлик жамиятига қарашли «Камалак» стационар оромгоҳида 110 нафар болажонлар дам олганлигини, шунингдек, «Тошхажармаишхизматушюма» ассоциациясининг «Меҳржон» болаларни соғломлаштириш стационарида ташкил этилганини келтиришимиз мумкин.

Оромгоҳда мазмунли дам олдик

Тошкент шаҳар касоба уюшмалари Кенгашининг Раёсат қарорига биноан Металлургия ва машинасозлик санояти ҳамда Енгилик, мебель ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касоба уюшмаларининг ҳуқуқий ташкилатлари бўлиб раҳбарлари билан биргаликда ўтган йилнинг 20 декабридан бунёд этилган оромгоҳларни ўғил-қизларни ўз бағрига олишга шай қилиб қўйди. Мутасаддилар томонидан унча оромгоҳ ҳам болаларнинг маънавий ва жисмоний тарбияси, соғломлаштириш ишларини намунали амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони асосида таътиб этиш мақсадида шаҳар Касоба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг болалар ва ўсмирлар спорт-мактаблари ўқувчилари учун «Алгоритм» оромгоҳи 60 та, «Камалак» оромгоҳи 50 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар меҳр-муруват кўрсатиш мақсадида эса 21-, 22- ва 23-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 120 та бепул йўлланма билан таъминландилар.

Оромгоҳлар фаолияти билан танишиш мақсадида «Меҳржон»да болганимизда ўзларига яратилган шарт-шароитлардан болажонларнинг ниҳоятда мамнун эканликларининг гувоҳи бўлдик.

— Оромгоҳда маъза қилиб дам олдик, — деди Акмал Икромов туманидаги 98-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Аббос Жалилов. — Биз учун жуда ажойиб Янги йил арча байрами ташкил этилди. Қорбобо ва Қорқиз турли ширинликлар, ўйинчоқлари бор совғалар келтирилди. Ҳазимизнинг ичимиздан танланган «Қорбобо» ва «Қорқиз» ҳам қизиқ ҳангомалар кўрсатишди.

— Бу ерда барчамиз бирга бўлиб, турли қўшқлар куйлаймиз. Менга айниқса, Ўзбекистон мадҳиясини куйлаш жуда ёқди, — дейди Чилнозор туманидаги 107-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Лола Матлатинова. — Маънавият ва маърифат хонасида бош тарбиячиси Раиса Ибрагимова бошчилигида мамлакатимиз ҳаёти, Ўзбекистон тарихи, давлат рамзларимиз, Амир Темур каби бобоқолларимиз ҳаётини ўрганиш билан бирга миллий қадриятларимиз ҳам чуқур тушутирилди. Дўстларим ўз кўллари билан ясаган миллий сулува чой ичиб ўтирган бобо ва буви, ажойиб тракторларнинг макетлари эса худди ҳақиқийдек.

Оромгоҳда фаолият кўрсатаётган тўғрақларда ҳам диққатга сазовор ишлар ташкил этилибди. Уларда сабоқ олган болажонлар ўз суратлари, ясаган ишлари, юмшоқ ўйинчоқлари, табиятда мавжуд ўсимликлардан ишланган ажойиб кўргазмани ташкил этганлар. Масалан, моҳир кўлар тўғрағида Сергели туманилик Достон Сотиболдиев дўстларига ўзи билан хунар — арча япроқларидан турли мавжудотлар ясаши ўргатибди. Рассомлик тўғрағида эса Шайхонўр туманидаги 113-мактаб ўқувчиси Аббос Махмудов «Ёнаётган кемага ёрдам» номли суратини ниҳоятда ҳақиқийдек.

Ҳа, болалар учун оромгоҳда барча шартнолар яратилган. Бир кунда икки марта кино кўрсатилади. Ҳар кунги ўйин-қулғи қилиб, ҳордик чиқарадилар. Спорт билан шуғуланиш, 1900

китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонада ҳаюн адабиёти дурдоналари билан танишиш, «Экология» музейини томоша қилиш ҳам уларнинг сеvimли машғулотидир.

— Оромгоҳимиз санаторий турида бўлгани учун болажонлар дам олиш билан бирга саломатликларини ҳам тиклайдилар, — дейди оромгоҳ бошлиғи Хосият Турғунбоева. — Улар физиотерапия хонасидан тубус, УВЧ, соллюкс, дарсенвал ёрдамида муолажалар оладилар, фитобаллар шифобахш дамламалардан баҳраманд бўладилар. Болалар тез-тез табиат қўйнига — ёнгинамиздаги ўрмон ҳўжалиғи ва Тошкент денгизига саёҳатга олиб чиқилдилар. Бундан ташқари болажонларимиз 5 маҳал иссиқ овқат билан таъминланиб, уларга сут ва сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалардан кўпроқ беришга алоҳида аҳамият қаратилди. Рациондан ташқари эса уйқуга ётиш олдиндан ҳар кун қайнатилган сут берилди. Шу ўринда оромгоҳимизнинг ёрдамида ҳўжалиғи ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. 15 гектарлик ёрдамчи ҳўжалиғимизнинг номи ҳам «Меҳржон» бўлиб, унинг 5 гектари бог бўлса, 5 гектари сабзавот экинларидан иборат. Шу боисдан болажонларга қишин-ёзин шархил, янги узилган, факатгина табиий ўғитлар билан етиштирилган мева ва сабзавотлар берилди. Ёнғоқоримиздаги мевалардан ҳам баҳраманд бўладилар.

Сўзларини кўринишидан болалар учун астойдил жон куйдириши кўриниб турган Хосият опа ўғил-қизлар учун янгидан-янги шароитлар яратиш ниятида экан. У киши ажойиб ташаббусни илгари суриб, экин майдонининг бир қисмига Жанубий Корея картошқасини экинши режалаштирибди.

— Бу ўзига хос янгилик, — дея сўхбатни давом эттиради Хосият опа. — Ушбу экиннинг ҳосилдорлиги юқори. Яна бир жиҳати — ниҳоятда глюкозага бой, тўйимли ва саломатлик учун фойдалидир. Шу боисдан ушбу сабзавотни ҳам етиштириб болажонлар дастурхонига қўймоқчимиз. Хозирданок бу янгиликни жорий этидик десам муболага бўлмайдди. Чунки мана шу картошқадан келтириб, рациондан ташқари болаларга қарсиллама чипслар тайёрлаб бердик.

Яна бир тақдир — темир моддаси қўшилган нон ва витаминлаштирилган ширин кучаларни оромгоҳларга имтиёзли равишда етказиб бериш йўлга қўйилса, нур устига аёло нур бўларди. Чунки ўтган йили Тошкентдаги «Сағбон нон» билан тузилган шартнома асосида олган бу маҳсулотларимиз ўғил-қизларга, айниқса, Орол бўйидан келган камқон болаларга жуда яхши фойда берди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Туябўғиз қўрғони ўрмон ҳўжалиғи ҳудудида жойлашган бу оромгоҳда дам олган болалар янги сафар ҳам албатта шу ерга қелишга аҳд қилдилар. Чунки катталар бу ерда уларга парнона, ёпиқ бассейн, сауна улар қишматида. Турли қўрик-танловларда голиб бўлган гуруҳлар рағбатлантирилади. Таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиш билан бирга туман маданият бўлими санъаткорлари иштирокида концертлар уюштирилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, фарзандларимизнинг қишки таътилларида фаолият кўрсатган оромгоҳлар иши намунали бўлди. Бу мамлакатимизда болажонларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишларига берилган эътибор ва ғамхўрликнинг бир кўринишидир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА



*Маданият*

**Экспонатларга бой музей**

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи экспонатларга бой. Унинг моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш борасида кўрилган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини берди.

Шу ўринда Япония ҳукумати томонидан берилган ёрдамни айтиб ўтиш жоиздир. Кунчиқар мамлакат саъй-ҳаракати билан 46 миллион япон иени ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан музей заллари ва экспозициялари янги замонавий техника воситаларига эга бўлди. Видео-аудио аппаратлар сотиб олинди. Бу эса экспонатларни намойиш қилиш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Эндиликда слайд ва видеофильмлар ёрдамида томошалар ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Бундай қулайликлар туғайли музей экспозицияси бўйича маънавият ва маърифат дастурлари асосида талаба ёшлар учун машғулотлар ташкил этишга ҳам киришилди.

**Нафосатга тўлиқ маскан**

Бебахо рассомчилик асарларининг талайгина намуналари билан Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспозициялари орқали яқиндан танишиш мумкин. Зеро, нафосатга тўла бу даргоҳда ҳозир 50 мингга яқин турли хил картиналар сақланмоқда.

Энг қадимги археология ёдгорликлари, ҳайкалтарошлик асарлари ҳам музейнинг ноёб экспонатларига айланб қолди. Фарбий Европа санъати ижод намуналарига мансуб асарлар учун ҳам алоҳида экспозициялар ажратилган.

Шуниси қувонарликки, музей Япония, Жанубий Корея, Хитой, Бирма каби мамлакатлар миллий санъат асарлари билан бойиб бормоқда. Тортиқ қилинган нодир асарлар учун эса бу ерда янги экспозиция ташкил этилди.


**Миниатюра мактаби устаси**

Республикаимиз пойтахтида бунёд этилаётган бу боғ шарқнинг буюк мусаввири Камолдин Бехзод номи билан аталади. Мазкур нафосат ва гўзалликка бой бўладиган сўлим гўша ҳудудда қурилаётган тўрт қаватли бинода эса миниатюра санъати музейи жойлашади.

Ушбу музей йўриқномаси ҳам ишлаб чиқилди. Шарқ мезморчилиги лойиҳаси бўйича қад кўтарган бинонинг бир қавати бутунлигича Бехзод ижодига бағишланган экспонатларни ўз ичига олади. Устод мўйқалам устаси яратган миниатюра мактаби ва ижодий мероси билан ҳам музейда атрофлича танишиш мумкин.

Бехзоднинг Эрон, Ҳиндистон, Миср Араб Республикаси каби мамлакат музей ва кутубхоналарида сақланаётган ноёб асарлари кўчирма нусхалари ҳам қўйилади. Шунингдек, машҳур мусаввир даврийда миниатюра асарларини яратишда ишлатилган мўйқалам ва турли асбоблар намуналари ҳам экспонатлар қаторидан ўрин олади.

**Ақбар АЛИЕВ**



**Ҳунарлининг қўли гул**

Донишмандларимиз «Олтин топмагини ўргангин хунар, хунарнинг олдида хасдир олтин-зар», деб бежиз айтмаганлар. Шу нақлга амал қилган ҳолда миллий қадриятларимизни эъзозлаб, хунарамандлик сирасорларини ўрганаётган нафосатга шайдо қўли гул усталар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улар томонидан ясалган мисгарлик, қулоччилик, ўймакорлик, заргарлик буюмлари нафақат халқимиз, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам диққатини тортиб, хайратини оширмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

**Эсдалик совғалари топширилди**

Илгари хабар берганимиздек бутун Республикаимизда хайрли анъанага мувофиқ «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишланган оммавий ватанпарварлик ойлиги бошланган эди. Ушбу ойлик давомида кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари, музейларга учрашувлар ўтказилди.

Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизмат ҳақида кўникмалар ҳосил қилиш, уларда она-юрт ва халқи олдидаги муқаддас йигитлик бурчини адо этиш каби туйғуларни уйғотиш, музейлар ва зиёратгоҳларга ташрифлар орқали Ватанимиз тарихи, Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, уларнинг қадрига етиш, асраб-авайлашни ўргатиш, ҳарбий қисмларга ташрифлар уюштириш ва ёшларни жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва байрамни муносиб кутиб олиш кўзланган эди.

Ойлик давомида шахримиздаги ўн битта туман «Ватанпарвар» ташкилотлари томонидан ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қирқта суҳбат, 14 марта ҳар-

бий қисмларга, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Қуролли Кучлар», «Шонли Ватан тарихи», «Шаҳидлар хотираси» музейлари ва зиёратгоҳларга экскурсиялар, ёшларнинг фахрийлар, байналмилал жангчилар, маҳалла оқсоқоллари ва фалолари билан учрашувлари ўтказилди. Спортнинг 24 дан зиёд техник ва амалий турлари, яъни авиамодель, ҳаво жанги, мотоспорт ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди ва 1000 дан зиёд ёшлар, вояга етмаганлар, ҳарбий чакрилувчилар ушбу тадбирларнинг фаол иштирокчилари бўлишди.

Ойликнинг муваффақиятли ўтказилишида шаҳар, туман ҳокимликлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари бўлимлари, «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар ва туман бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фа-

оллари, мудофаа бўлимлари яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

**КЕЧА**

Темурийлар тарихи Давлат музейида ушбу ойликнинг ёпилиш маросими ўтказилди. Бунда ойлик натижалари, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди. Келгусидаги янги вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек ойликда фаол иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари, «Ватанпарвар» аъзолари шаҳар Кенгашининг Фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалари билан тақдирландилар. Ташкилот тизимидаги фахрийлар, байналмилал жангчилар ва офицерларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар МК «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг қўйи тузилмалари томонидан йил давомида олиб борилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир ниҳоясида шаҳар Маданият бош бошқармасига қарашли ўзбек миллий ансамбли иштирокида янграган дилрабо куй-қўшиқлар йирилганлар қалбига бир олам шодлик бағишлади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**

**Парвозинг баланд бўлсин, «Наврўз»**

Авал хабар берганимиздек, яқинда FM радиостанциялари сони яна биттага кўпайди. FM 88,4 Мгц тўлқинларида «Наврўз» радиоси 4 январь куни илк бора янгради. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Наврўз-медиа» масъулияти чекланган жамияти ташкил этган ушбу радиостанцияга таниқли журналист Аббор Имомхўжаев бош муҳаррирлик қилмоқда. Биз янги радиостанциянинг мақсад ва вазифалари ҳақида Аббор Имомхўжаев билан суҳбатлашдик:

— Дастлабки саволимиз радионинг номлини ҳусусида. Уни «Наврўз» деб аташ госяи қандай пайдо бўлди?

— Аввало «Наврўз» радиоси «Наврўз-медиа» масъулияти чекланган жамиятига тегишли эканини айтиб ўтсам, «Наврўз-медиа»нинг муассисларидан бири эса «Наврўз» ишлаб-чиқариш савдо мажмуасидир. Янги радиони ташкил этиш бўйича ўтказилган таъсис йиғилишида «Наврўз» мажмуаси раҳбари Шухрат Илхомов унга яхши ниятлар билан «Наврўз» номини бериш таклифи билан чиқди. Бу фикр асосий муассислардан бири — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбариятига ҳам маъқул тушди. Зеро, биз FMда янгила-

маънавий озиқ бериш вазифасини ўз олдимишга қўйган ҳолда иш юритишимиз лозим эди. Наврўз сўзи эса, маълумки, янги кун деган маънони англатади. Қисқаси, исми шаклига мос, янги йўналишдаги радио бўлсин деган ният билан «Наврўз» дея номладик.

— Демак, «Наврўз» FMдаги бошқа радиостанциялардан шу жиҳати билан ажралиб турар экан-да?

— Ҳа, асосий урғу маънавий қадриятларимизни қўқурроқ ўрганиб, тарғиб қилишга, халқимизнинг бой маданий-маърифий анъаналарини барча тингловчиларга етказишга қаратилди. Сабаби, ўз урф-одатларини, қадриятларини яхши билган халқ ўзлигини англайди. Узлигини англаган халқнинг келажаги буюк бўлади.

— «Наврўз»дан русийзабон

эфир тингловчилари ҳам баҳраманд бўлишадими?

— Албатта. Гарчи кун тун давомидаги зулуксиз эфирнинг 70 фоизи ўзбек, 30 фоизи эса рус эфирига ажратилган бўлса-да халқимизнинг маданий меросига бой тарихини шу заминда яшаётган барча миллат вакиллари яхши билишлари, англашлари фойдадан ҳоли бўлмайди.

— Тижорат радиосини реклама ва ҳомийларсиз тасаввур этиш қийин. Айтмоқчимизки, реклама берувчилар қизиктирувчи дастурлар ҳам бўладими?

— Негадир кўпчиликнинг тасаввурда реклама берувчилар фақат замонавий ўзбек эстрада билан қизиқишди, деган тушунча бор. Мен эса Фуломжон Ёкубов, Камолиддин Раҳимов, Ортиқ Отажонов, Нурид-

дин Ҳайдаров сингари халқимиз эъзозидида бўлган санъаткорларни маъза қилиб тинглайдиган тадбиркорларни яхши биламан. Қолаверса, миллий мумтоз қўшиқларимиз ҳақида махсус дастурлар бўлади ва тингловчилар уларни ҳам қизиқиш билан қабул қиладилар, деган умиддаман.

— «Наврўз» эфирга 4 январдан чиқа бошлади. Юқоридаги режалар амалга ошириш учун қанча вақт керак бўлади?

— Ҳозирнинг ўзида ўнлаб лойиҳаларимиз эфир учун тайёрлаб қўйилган. Уларни тахминан февралнинг бошидан, яъни бошловчилар эфир қўникмасини ҳосил қилиб шаклланиб бўлганларидан сўнг узатишни режалаштирганмиз. Сабаби, бошловчиларимиз орасида тажрибалилари бўлса ҳам, аксарияти радиого энди қадам қўйган ёшлардир. Бундай ёшларни қабул қилишдан мақсад янги истеъдодларни кашф этиш, уларнинг очилмаган қирраларини очидир.

— Мазмулли суҳбатингиз учун ташаккур. Янги радиостанция FM тўлқинларида ўзига хос ўринга эга бўлишини тилаймиз.

**Азиза ИЛҲОМОВА**  
суҳбатлашди.



Она шахримиз Тошкентнинг бугунги кунда бекиб гўзаллиги, хусну тароватига ҳайрат ва ҳавас билан қарамайдиган киши топилмас керак. Файзли хийбонларини фусункор, гулу чаманзорларга айланган дала-боғларини, кўчаларини сайр қилиб кўнглингиз бир олам завқ-шавққа тўлади. Қалбнингизда она диёримизга тўғйимизга нисбатан ҳақ-иқтидор тўғйимизга жўш уради. Айниқса, пойтахтимизнинг марказий кўча ва хийбонларини кеч оқшом чоғи ҳеч сайр қилганминоси! Сайр қилмаган бўлсангиз албатта тунги Тошкентни айлангиз. Шахримизнинг хусну тароватига яна ҳам лол қоласиз. Бугунги кунда тобора обод бўлиб бораётган шахримизга нафақат халқимиз, балки хорижлик меҳмонларнинг нигоҳи қадалиб ҳайратлари ошиб бораётди.

## Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон...

Яқинда бир хорижлик меҳмон билан суҳбатлашиб қолдим. У менга дилидаги гапларини ўзбек тилида бироз қийналиб тушунтирди. «Бу жаннатмақом ўлкани жуда ёқтириб қолганман. Асли Германияданман. Шахримизга хизмат юзасидан тез-тез келиб тураман. Тошкентнинг оҳанрабои борга ўхшайди гўё, ўзига тортаверади. Халқингизнинг ниҳоятда оқибатли, саховатли, меҳр-муруватли экани айниқса менга ёқади».

Швейцариялик Катя Хилденберг ҳам шахримизни ўзининг қадрдон иккинчи уйи деб атайди. «Мен кўп йиллардан буён Тошкентда яшаб, ўзимни гўё тошкентлик деб ҳисоблайман. Бу мафтункор, гўзал шаҳар, унинг меҳрибон ха-

лқи мени ўз бағрига олиб фарзандидек қабул қилди. Мен ўзбек халқининг рақс санъатига ёшлигимдан жуда қизиқиб, рақс сирларини таниқли санъаткорлардан астойдил ўргандим. Кўп дўстлар орттирдим. Ўзбек тилида гаплашишни ўргандим. Менга санъат соҳасида ёрдам берган устозлардан доимо миннатдорман. Бу шаҳардан сира кетгим йўқ».

Ҳа, шахримиз шаънига билдирилган мақтовлар, илиқ сўзлар бежиз эмас. Бугун ҳамма соҳада бутун жаҳонга донги кетган она Ватанимизни ҳар қанча шарафласак оз. Шахримизнинг энг сўлим, энг мафтункор, ажойиб бўстонга айланиб бораётган гўзал масканлари йилдан-йилга кўпайиб бор-

моқда. Шоирлар шеър юзгалларидан санъаткорлар дилбар куй-қўшиқларида, мўйқалам соҳибларини эса ўзларининг нодир асарларида ўлкаимизнинг мадҳини юракдан куйламоқдалар. Семимли шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳам ўзининг гўзал бир шеърда:

**«Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон, Достонларда битган гулистон»,**

дея бежиз таърифламаган. Шоиримиз маъна шундай дорилонмон кўнларини олдиндан ҳаёлан кўз олдига келтириб башорат қилгандир балки. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳам ўзининг «Тошкент» номли шеърда куйидаги сатрларни битган:

Тошкентим, Тошкентим, онажон,  
Элларга меҳрибон,  
Ўзбегим фахрисан,  
Маърифат, зиёга бой

Бундай шеърли мисраларни ўқиганимизда ҳақиқатан жаннатмақом юртимизга, осийишта, фаровон ҳаётимизга илоҳим кўз тегмасин, бу ишларга камарбаства бўлиб келаётган йўлчи юлдузимиз Юртбошимиз омон бўлсин, ёвуз ниятли кимсаларнинг Оллоҳ назари тушган бу кўешили ўлкага қадари етмасин деб ният қиламиз.

Шундай экан, азиз юртдошлар, шахримиз — фахримиз она диёримизни янада озод ва обод ўлкага айлантиришда ўз ҳиссамизни қўшайлик. Зеро, «Она юртинг — олтин бешигинг» деб бежиз айтилмаган.

**Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор. Бир ўлкаки, сал кўрмаса кўёш соғинар, Бир ўлкаки, гайратидан асаби чакнар...**

Дилором ИКРОМОВА

## Чет элликлар нигоҳида

Бугунги Тошкент ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда янада чирой очиб, қайта яшармоқда, юксалмоқда. Буни нафақат ҳамма артаётган, балки шахримизда истиқомат қилаётган чет элликлар ҳам эътироф этишмоқда.


◆ **Тен ЕНГ—ГЕНГ, корейлик талаба:**  
— Мен Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг халқаро иқтисодий алоқалар факультетида 3-курсда таҳсил оляпман. Тошкент жуда гўзал, обод, кўркам шаҳар. Айниқса шаҳардаги кўм-кўк дарахтлар, ранг-баранг анвойи гуллар, замонавий баланд уйлар, кенг, озода кўчалар мени ўзига мафтун этади. Тошкентликларнинг меҳрибон, сажий ва меҳмондўстлиги менга жуда ёқади. Бу ерда мен кўплай дўстлар орттирдим. Шаҳарда гўзал ва салқин хийбонлар, фавворалар жуда кўп.

Бундан ташқари турли байрамлар — Мустақиллик, Наврўз байрамлари жуда катта шодивоналик билан ўтиши мени қувонтирди. Тошкент хўш тан, меҳмондўст, бағри кенг дё;

**Шиньичиро НАКАМУРА, Япония элчихонасининг сиёсий масалалар бўйича котиби:**  
— Ўзбекистон пойтахти—Тошкентда истиқомат қилаётганимга ҳам икки йилдан ортиқ вақт ичида мен тилингизни ўргандим. (Хўш катанга ўзбек тилига бемалол сўзлашди). Тошкент шаҳридаги япон боғи, сакуралар экилган майдон қалбимга яқин жойлар.

Очиқ чехралли, тавозели миллатингиз менга хўш ёқади. Давлатингиз томонидан хорижий тadbirkor ва ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳам жуда маъқул. Япониядан ватандошларим ташриф буюриб, ватанингиз тупроғига дафн этилган қариндошлари қабрларини зиёрат қилишдек шарафга муяссар бўлишди. Бундай хайрли ишлар амалга ошаётгани бизларни беҳад севинтирди.

◆ **ФИЛСИТИ, Жанубий африкалик ўқитувчи:**  
— Мен олти йилдан буён Тошкент шаҳрида оилам билан яшайман. Халқаро мактабда ўқитувчиман. Хориждан келганларнинг фарзандларини ўқитаялман. Тошкент мен учун қадрдон шаҳар, ўз уйим, ўз Ватанимдек ўрганиб қолдим. Ўзбек тилида гаплашишни, ўзбекча на урф-одатларни ўргандим. Бу кўркам, гўзал шаҳарнинг тинч ва осийишталиги мени қувонтиради. Шаҳарнинг мафтункор кўчалари, хийбонларида оилам билан сайр қилишни жуда-жуда ёқтираман. Айниқса ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очик кўнглилиги туфайли кўп дўстлар орттирдим. Улар менга доимо меҳрибон, керак бўлса ёрдамларини аяшмайди. Бу бағри кенг шаҳардан сира кетгим келмайди.



Ойдин кўчаларимиз йилдан йилга ораста, кўркам ва раван бўлиб шахримиз хуснига хусн қўшмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Мен севган ва ҳурмат қилган сиймолардан бири оташнафас шоир Максуд Шайхзодадир. Тақдир бу ажойиб инсон ва шоирни 20-йилларнинг иккинчи ярмида Тошкентга етаклаган. Каспий денгизи бўйларидан дунёга келган Шайх ака ўша пайтда йигирма яшарли қирчиллама йигитча эди. Лекин ана шу йигитча Озарбайжоннинг мушаккил республика бўлишини орзу қилган ва шу йўлда илк қадамлар ташлаган ташкилотнинг аъзоси сифатида қамоққа олинган ва ёшлиги туфайли қамокдан эрта озод этилган. Аммо сиёсий ишларга аралашган йигитчанинг Озарбайжонда ортиқ яшаш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг вақтинча яшаш мазали сифатида Тошкентни танлаган. Бироқ оранда қанча йиллар ўтган, у афв этилиб, озар юртидаги ота-онаси ва қариндош-уруғларини қанчалик соғинмасин, шоир ўзбек пойтахтини асло тарк этмади. Тошкент шоирининг иккинчи она шахрига айланиб, унинг юрак-юрагига бир умрга кириб улгурган эди.

Ишон, тақдир деган дахшатли кучдан ҳеч қачон қочиб қутулмайди. Шайх ака Тошкент шаҳрида сокин ижодий ҳаётни кечиргани учун 1937 йил тегиримонидан соғ-омон қолган. Лекин 50-йилларда бошланган қатъоннинг дахшатли ҳамласидан Шайхзодадек машҳур шоири замоннинг омон қолиши амри маҳол эди. Аммо Шайхзоданинг ва бошқа аччиқ тақдир соҳибларининг бахтига, ёвузлик даҳоси вафот этиб, 25 йиллик қамок муддати билан жазоланган бошқа маҳбуслар қатори у ҳам тирик қайтиб келди.

Атоқли шоирнинг Ўзбекистон Езувчилар уюмасидан ўчирилиши ва ажал тегиримонига тушишида ҳолис хизмат қилган кишилар ҳам бўлди. Лекин олис ва совуқ жойлардан қайтиб келганидан кейин ҳам Шайх аканинг на Тошкентга, на ўзига чиёнат қилган дўсту шогирдларига бўлган муносабати заррача ўзгармади. Шоир қалбидagi муҳаббат чечаклари чаман бўлиб гуллашга давом этди. У серқўёш пойтахтга нисбатан туйган муҳаббатини «Тошкентнома» деган лирик достонида лафиз бир шаклда ифодалади.

Мушаккил кўҳна Тошкентимиз ташки ва ички қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Осмонўпар ойнаванд бинолар, ям-яшил боғ ва хийбонлар, Петергофдаги бутун дунёни ҳайратга солган «Шалолардан қолишадиган фавворалар, замонавий теннис кортлари... — пойтахтимизнинг мафтункор чехрасига узукка кўз қўйгандек ярашмоқда. Камина Тошкент кўчаларида кезинар эканман, агар бу мислсиз гўзаллиқни, яшарган ва ясанган тарихий масканни Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир сингари юрт шайдолари кўрганларида улар қандай ажойиб шеър ва достонларни ёзган, Шарқнинг бу буюк шаҳрини етти иккилгача достон қилган бўлардилар, деб ўйлаб қоламан.

Тошкентда тузилганим учун унинг ҳар бир кўчаси ва ҳар бир майдонига эмас, балки суви ва ҳавоси ҳам мен учун гоат азиздир. Тошкент жуғрофий жиҳатдан жойлашишию иклими билан ҳам жаҳоннинг энг кўркам пойтахтларидан бири бўлиш ҳуқуқига эга. Унинг яқин келажақда минглаб ва миллионлаб хорижий меҳмонлар ва сайёҳларни ўзига жалб этишига шубҳа қилмасам ҳам бўлади.

Камина илм-фанга бир оз даҳлдор киши бўлганим учун Тошкентнинг айниқса, XX аср бошларида Миллий уйғониш ҳаракатининг бешиги бўлганлиги билан ифтихор қиламан. Тошкентлик ҳадидлар

Мен бундай саволларга фақат битта сўз билан — «Албатта!» деб жавоб бергим келади. Негаки, гўзал либос кийган ва шу либос ичида яшаётган киши ўзини мутлақо ўзгача эса этди; унда ўз хатти-ҳаракатини назорат этиши майли пайдо бўлади; ана шу майл тақозоси билан унинг яшаш ва фикрлаш тарзида ўзгариш юз беради. Шунинг учун ҳам ўйлайманки, Тошкент ва тошкентликлар, менинг ҳурматли ҳамшаҳарларим XXI асрнинг 10-йилларини янада гўзал қиёфага кирган, руҳан бойиған ва гўзаллашган ҳолда кутиб оладилар.

Мен бундай саволларга фақат битта сўз билан — «Албатта!» деб жавоб бергим келади. Негаки, гўзал либос кийган ва шу либос ичида яшаётган киши ўзини мутлақо ўзгача эса этди; унда ўз хатти-ҳаракатини назорат этиши майли пайдо бўлади; ана шу майл тақозоси билан унинг яшаш ва фикрлаш тарзида ўзгариш юз беради. Шунинг учун ҳам ўйлайманки, Тошкент ва тошкентликлар, менинг ҳурматли ҳамшаҳарларим XXI асрнинг 10-йилларини янада гўзал қиёфага кирган, руҳан бойиған ва гўзаллашган ҳолда кутиб оладилар.

Мен бундай саволларга фақат битта сўз билан — «Албатта!» деб жавоб бергим келади. Негаки, гўзал либос кийган ва шу либос ичида яшаётган киши ўзини мутлақо ўзгача эса этди; унда ўз хатти-ҳаракатини назорат этиши майли пайдо бўлади; ана шу майл тақозоси билан унинг яшаш ва фикрлаш тарзида ўзгариш юз беради. Шунинг учун ҳам ўйлайманки, Тошкент ва тошкентликлар, менинг ҳурматли ҳамшаҳарларим XXI асрнинг 10-йилларини янада гўзал қиёфага кирган, руҳан бойиған ва гўзаллашган ҳолда кутиб оладилар.

Мен бундай саволларга фақат битта сўз билан — «Албатта!» деб жавоб бергим келади. Негаки, гўзал либос кийган ва шу либос ичида яшаётган киши ўзини мутлақо ўзгача эса этди; унда ўз хатти-ҳаракатини назорат этиши майли пайдо бўлади; ана шу майл тақозоси билан унинг яшаш ва фикрлаш тарзида ўзгариш юз беради. Шунинг учун ҳам ўйлайманки, Тошкент ва тошкентликлар, менинг ҳурматли ҳамшаҳарларим XXI асрнинг 10-йилларини янада гўзал қиёфага кирган, руҳан бойиған ва гўзаллашган ҳолда кутиб оладилар.

Наим КАРИМОВ,  
«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси.



### • КЕЛАЖАҚКА ЮЗ ТУТГАН ПОЙТАХТ

## Эртамин ворислари



Бугунги кунда шахримизда қад кўтарган мухташам, кўз кўрганда қувнайдиған, бир-биридан кўркам турар жой, банк, меҳмонхона, кўвм масканлари, музей, кўприк, йўлларни санаб, адоғига етолмайсиз... Бу қурилишларда шарқона меъморчилик билан бирга европача ҳамда замонавий услублар ўзаро уйғунлашиб кетган.

Собир Раҳимов туманидаги «Мойқўрғон» даҳасида яна бир замонавий, қатор қулайликларга эга бўлган Миллий хунармандчилик коллежи биносининг қурилиши жадал сурьатларда олиб борилмоқда.

Ушбу 4 қаватли коллеж биноси, хунармандчилик устахонаси ҳамда электр қувватини меъёрда етказиб беришга хизмат қилувчи подстанцияларнинг бюрократисини, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Капитал қурилиш бош бошқармаси, бош пудратчи эса 159-трест акциядорлик жамиятига қарашли 70-қурилиш бошқармасидир. Мазкур бино лойиҳасини Тошкент шаҳар лойиҳалаштириш ва қайта қуриш институтининг етакчи муҳаррирлари тайёрлашган.

Шунингдек, ёрдамчи пудратчилардан «Туронмарказқурилиш» очик турдаги акционерлик жамиятига қарашли 21- ва 53-қурилиш, 1-3 монтаж бошқармалари, «Шарқшамол» шўъба-хўжалик жамиятлари, «Узэлектромонтаж» бошқармаларининг ишчи ва хизматчилари икки сменада ҳормай-толмай меҳнат қилишаётди.

— Қурилиш ишларини бажаришда асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилганлиги, ай-

ниқса, қувонarli ҳол. Ушбу қурилиш материаллари сифати юқорилиги билан алоҳида ажралаиб туради. Коллек биносини бунёд этишда темир-бетон маҳсулотлари, мрамор, пластмасса (ромлар) ҳамда ёғочдан унумли фойдаланди, — дейди иш юритувчи Рустам Утамбетов.

Толмас қўли бунёдкорларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ қад ростлаётган коллеж биносига келсак, ушбу ўқув масканининг биринчи қаватидан 200 ўринга мўлжалланган ошхона, 250 ўринли мажлислар ва тадбирлар ўтказиш учун зал, катта спорт зали ҳамда кўркам, шинам ва ёруғ фойелар жой олади.

Колган қаватларда алоҳида жиҳозланган кенг, ёруғ ўқув хоналари, ҳар бир қаватларда ўқитувчилар хоналари, кутубхона ва қироатхона, махсус жиҳозланган лаборатория, «Маънавият ва маърифат», ҳарбий-ўқув ҳамда иқтисодий фани хоналари жойлаштирилади. Шуниси эътиборлики, ушбу объектда янгилик қўлланилган. Яъни, учинчи қаватда дам олишга мўлжалланган усти очик майдонча ўқувчи ҳамда муаллимлар ихтиёрида бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ўқув даргоҳидаги фарзандларимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар неча асрлардан буён ўз нафислиги ва бебаҳолиги билан халқимиз қалбидан жой олиб келаётган хунармандчилик санъати ихлосмандлари бўлган ёшларимизни — эртамин ворисларини ақлан баркамол, жисмонан бақувват ҳамда хунарли қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: ўз ишининг устаси, пайвандчи Умид Рўзимов; қад ростлаётган Миллий хунармандчилик коллежи биносини.**

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



### НАЗМ

## ЖОНИМ ТОШКЕНТИМ

Кўёшга кўкрагин керган шаҳарсан,  
Фозилу, валийлар кезган шаҳарсан.  
Кўпларга бахт-иқбол берган шаҳарсан,  
Сен меҳр шахрисан жоним Тошкентим,  
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Тошкентлик меҳмондўст бағри кенг эрур,  
Барча баробар, камтар ва мағрур.  
Охири ноини дўстларга берур.  
Барака шахрисан жоним Тошкентим,  
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Меҳнаткаш, ажойиб инсонларинг бор,  
Соғлиққа интилган имонларинг бор,  
Сендаги барча шундан эҳтимом,  
Отамсан, онамсан жоним Тошкентим,  
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Наҳорги ошларнинг гашти ўзгача,  
Наврўзи Ажамдан то кеч қузгача,  
Ҳар нарсанг азиздур, нону тузгача,  
Тугилган шахримсан жоним Тошкентим,  
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Оллоҳнинг назари тушган шаҳарсан,  
Меҳмондўст, ок кўнгли, дўстга маҳталсан.  
Дунёнинг нигоҳи сенга қадалган.  
Оқибат шахрисан жоним Тошкентим,  
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Ўлкаминг кўркисан, сайқалсан шаҳрим,  
Тинчликка, дўстликка хайқалсан шаҳрим.  
Дунёда ҳар кентдан афзалсан шаҳрим,  
Юлдузлар мафтундир сенга Тошкентим,  
Ўлкаминг чиройи, ўзинг бош кентим.

Кўёшга кўкрагин керган шаҳарсан,  
Фозилу валийлар кезган шаҳарсан.  
Кўпларга бахт-иқбол берган шаҳарсан,  
Сен меҳр шахрисан гўзал Тошкентим,  
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Ҳамидулло ИСМАТ

### • МУЛОҲАЗА

## ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН

Тошкент бўйлаб юрар экансан, атрофга назар солиб шахримиз кўржига кўз тегмасин дегинг келади. Шунинг очик эътирофи эҳтиш керакки, пойтахт нафақат республикамиз аҳли, балки чет элликлар нигоҳида ҳам кун сайин гўзаллашиб, тобора чирой очиб бормоқда.

Бирини бирини жозибадор ва мухташам бинолар, кенг, раван кўчалар, осмонўпар иморатлар Тошкентни янада мафтункор этмоқда. Айниқса, Мовароуннаҳр, Навоий, Ўзбекистон, Буюк Турон кўчаларини шахримизнинг дилтортар, дилқушо гўшалари десак ҳеч муболага бўлмайди. Оқшом чоғлари ушбу кўчаларга қатор ўрна-тилган турфа чироқлар зарҳал зарлар каби мавжланиб кўзини камаштиради.

Ҳозирги дорилонмон дамларда яшаётиб беҳитиёр инсон учун тинчликдан, озодликдан, гўзалликдан ортиқ бахт топилмаслигига иймон келтириш, шу кўнларга етказганига шукр деб қўямиз.

Ҳаммаёқ гўзал, ораста дегимизу лекин гуруч кураксиз бўлмагандек, шахримиз чиройига доғ бўлиб турган баъзи масканларни кўриб дилми-дилми минглаб одамлар катнайдиган жой — метронинг «Буюк ипан йўли» бекатидан чиқадиған ер ости ўши жойининг ифлос, чиркинлигидан ҳайратга тушасиз. Хар хил қоғоз парчалари, мева қолдиқлари, латта-путталар дилингизни хира қилиб асабингизни бузади. Бу ердан ишчи-мафтункор этмоқда. Айниқса, кўчанинг талабалар кекса-бидан жой олиб келаётган хунармандчилик санъати ихлосмандлари бўлган ёшларимизни — эртамин ворисларини ақлан баркамол, жисмонан бақувват ҳамда хунарли қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Шаҳарнинг маркази ҳисобланган «Мустақиллик» бекатидан чиқиб Сайқиллох томон юрар экансиз эрта тонгда юзлаб одамларнинг гашига телари, кўча супураётган фаррошларни кўриб ўн дардиндан, гўзалликдан ортиқ бахт топилмаслигига иймон келтириш, шу кўнларга етказганига шукр деб қўямиз.

Наҳотки шу тозалаш ишларини фаррошлар сахарлаб қилиши мумкин бўлмаса, Кўркам шаҳарнинг борлиқига янада кўрк ва ифтор таратиб туриши ҳам, обод ва орас-талиги ҳам ўз кўлимизда, ахир биз шу шаҳарда яшамокдамыз, ишламоқдамыз, униб-ўсмоқдамыз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**



## • ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбек халқининг энг чуқур қатлами ичидан чиққан, истеъдоду тинимсиз меҳнати, фидойилиги билан буюклик аргумоғига минган, унутилмас устозимиз Ғафур Ғулом ҳақида қаминга сўз айтмоқчиманки, бунинг ўз масъулияти ҳам қатта. Узоқ йиллар давомида зиддиятлар, машаққатлар, маъжозий сўз билан айтганда, қурғокчилигу ҳазонрезгиликларни ўз бошидан кечирган ўзбек миллий адабиёти, янги нафосат бўстониимиз Муस्ताқиллик, озодлик баҳорига етиб келди. Устознинг шоғирдлари кексайиб, саксонбойлар, тўқсонбойлар пайдо бўлиб, навқирон ёш қаламкашлар бениҳоя кўпайди. «Сизлар қосмосга парвоз этсангиз елқани тугиб бераман...» деган пахлаво шоир Ғафур Ғулом наинки умум адабиётимизни, унинг ўсиб келаётган ёш бўғинини ҳам жондан ортиқ севарди. «Сизларнинг кўзингиз билан Ватаним жамолини, унинг келажагини кўриб тураман», дерди буюк устоз. У зот пайгамбар ёшида дунёдан ўтдилар, асарлари — китоблари биз билан қолди. Унинг олижаноб сиймоси, ҳеч ўхшаши йўқ Ғафурона табассуми, лутфу ўйчанлиги, заҳматкашлиги, ҳазил-мутойибани ёқтириши, рангу одоби, Навоий ва Бедилнома фалсафий фикрларга бойлиги кўз олдимизда доимо тирик турибди. Шу йил таваллудларига юз йил тўлади.

Ёзувчилар уюшмамизга қадимда раислар келиб кетавердилар, аммо Ғафур Ғулом янги ёш авлод раиси сифатида тураверди. Адабиёт бўстониимизга Холмат Қурбонов деган биродаримиз ҳам раис бўлиб келган, у кимса ёмон одам эмас эдию ҳудо раҳмат қилсин, лекин ижод ва яратиш, адабий жараёндан астрономик даражада узоқ эдилар. У даврда раис сайланмас, юқоридан юбориларди. Уюшмамизнинг чинакам раиси Ғафур Ғулом бўлган, унинг мактабида ўқиб, беназир сабоқларини олганмиз, десам хато бўлмайди, у асло унутилмайдиган раис эди.

Ғафур Ғулом Навоийнинг «Чор девони» устида ишлади, Мирзо Абдулқодир Бедил мактабига кирди, ўзи ҳам «Бог» деган гўзал шеърини халқ севган анъанавий аруз вазида яратди. «Пролеткультчилар» ҳужумронлигида шеърятдан Аллоҳга ишонч, қардошлик, инсонийлик, Ватан севгиси, юртга фидойилик, халқимизнинг мислсиз бой ва қаҳрамонона тарихи, жаҳон адабиёти унутилди, мумтоз адабиётимиз «феодал адабиёти» деб четга итқитилди, халқ озгаки ижодиёти ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Лекин узоқ қишлоғу яилловларда «Алломишу», «Гўр ўғли»лар жаранглаб, одамларни бардам тутаверди. Одамлар «пролеткультчилар»нинг пўрсилдоқ, саёз ва бакироқ шеърларини эмас, ўз Навоийси, шоҳ Машраби, Муқимий-ю Ҳазиний-ю Ҳувайдосини ўқийверди. Ўзбекистон адабий ҳаракатчилиги шу даврда, фикри ожизимча, ўз қаҳрамонини кутарди. Маҳмудхўжа Бехбудийларнинг ўзига ўзи гўр қаздириб, ўлдирилган пайт ҳадиждар таъкибга олинган, адабий бўстониимиз дерлик хувиллаб қолган бир давр эди. Шу бўғиқ, нафас олиш қийин бўлган замонада адабиёт майдонига Жалолиддин монанд шижоат билан уч баҳодир чиқди — улар Чўлпон, Ғафур Ғулом ва ёш Усмон Носир эдилар. Уларнинг жарангдор, маҳорат томондан гоятда пухта, Навоийона, Пушкинона юракка яқин, пухта шеърлари янгради, хафақон муҳитда шодлик ва қувонч шури пайдо бўлди. Қаминга ўз фикрларини эркин айтиётирман, ишқилиб кўрганни эшитган энгмасин, баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради!

Шу уч шоир ўзбек шеърятини баланд пардалар янгради. Бу, бошқа истеъдодли шоирлар йўқ деганим эмас, унлаб яхши шоирлар номини айтиб бермоқлик мумкин, аммо бу уч шоир чўкки эди. Гарчи таъкибларга, қамоғу қатл-отилишлар, асарлари босилиши ман этилганлар, иғво авж олган бўлса ҳам бу гармсел адабиёт бўстониимизни қурита олмади. Фахрий раисимиз Ғафур ака бизларни ўз қаноти остига олди — бу қанот жуда кучли, узоқларга парвоз эта оладиган қанот эди.

Қалбни гоятда камтар, аммо билими дунё қадар қатта инсон, бизларнинг севиқли устозимиз Ғафур Ғулом, «Бири-бирига устоз, бири-бирига шоғирд», мақолини кашф этган шу адиб атрофида ёшу қари жуда кўп қалам соҳиблари тўпланди, Максуд Шайхзода, Ҳабийбий, Ғайратий, Ойбек, Уйғун, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойдин опа ўша вақтдаги ёш қаламкашлар, ҳозирги саксонбой, тўқсонбойлар, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад, Шухрат, халқ адиблари Ҳаким Назир, Ҳамид Ғулом ёш жиҳатидан кичик бўлсаларда бугунги адабиётимизнинг пешқадам намоёндалари, ўзбек адабиёти шаъну шавкатини яна ҳам баландга кўтарайтган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов ҳамда бошқа азизларим ҳам Ғафур Ғуломнинг кўз қароғларидирки, бобо сифатида уларнинг ҳам пешонасидан ўпиб, оқ йўл тилаган. Ёзувчилар уюшмаси кучли истеъдод ядросига айланди, салмоқли асарлар ду-

нага келди. «Кўкан», «Шум бола», «Ёдгор», «Тирик мурда», «Соғинч», «Вақт», «Сен етим эмассан», «Самарқанд шеърлари», «Йигитларга» ва бошқа бадиий жиҳатдан гоятда етук асарлар халқимизга етди. Ёшларнинг яхши асарларини ўқиб, устоз гоятда қувонарди. «Офарин! Шеър мана бундоқ бўлур» дердилар. Бу сўз ёш ижодкорларга кучқувват бағишларди.

МИРМУХСИН,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# УСТОЗ



Адабиёт ва санъат — Ҳасан, Хусан, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ўзбек санъатининг буюк намоёндалари Аброр Хидоятлов, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Шукур Бурхонов ҳамда «Халимаси ҳам Сораси бўлган санъатим, юрагимнинг бир пораси бўлган санъатим...» мисраларини айтган Ғафур Ғулом эди. Ўзбекнинг беназир раққосаси, Ер куррасида бормаган мамлақати қолмаган Мукаррамахоним Тўрғунбоева ҳам Ғафур ака юрагининг «бир пораси» эди.

Ғафур Ғулом Садриддий Айний домла билан оға-ини эдилар, қаминга бу улуг адиб билан беш бор мулоқотда бўлган бўлсам, учрашувларга устоз Ғафур Ғулом сабабчи эди. Лоҳутий домла, Мирзо Турсунзода, Сотим Улуғзода, Фотиҳ Ниёзий, Аширмат ва бошқалар билан ҳамкорю кадрдонлигимиз икки улуг устоз Айний ва Ғафур Ғулом тўғриси эди. Озарбайжон шоири Самад Вургун, турк шоири Нозим Ҳикмат, татар шоири Ҳоди Тоқтош устознинг кадрдонлари бўлган. Руснинг улкан қалам соҳиблари Николай Тихонов, Александр Фадеев, Владимир Луговский, Козловский, Семен Липкин, украин — Иван Ле, белорус — Якуб Колас, қозоқнинг Собит Муқонов, Мухтор Аvezов, Абдулла Тожиеввлари Ғафур ақанинг кадрдонлари, юқоридан номларини санаганим адиблар устоз хонадонига кўп бор бўлишган, унутилмас мухтарам Мукаррамахон аямиз ўзбеккона меҳмондўстлигини гоятда ўрнига қўярдилар, савоатли бу хонадоннинг донги узоқ Фарбдан то экваторларгача етган десам муболага бўлмайди — Сингхлар, Сайфиддин Катчлу, Файз Аҳмад Файз, Атал ва бошқалар унинг шеърларини ўз тилларига таржима этган. Хитой шоири Эми Сяо, Го мо Жо шеърлари, Эрон адиби Козимийнинг «Кўрқинчи Техрон» романини Ғафур ака ўзбек тилига таржима қилганлар.

Фикри ожизимча, маданий тарихимизни «Авесто» давридан бошласак, Афросиёб, Сиёвў даври, Кушон давлати, деймиз, Хоразмий шоҳлар даври деймиз, ундан кейин Юсуф Хос Ҳожиб, Ясавийлар даври деймиз, бу даврларни Ғафур ака яхши билар, бизларга дарс берардилар. Шу даврларни бир қатта тўлқинга қиёс этамиз, Соҳибқирон Амир Темуր Вадри ҳам бир қатта тўлқин, бу

давр жаҳонга «Зижи Қурагоний», «Тему́р тузуқлари», «Ҳамса», «Бобурнома»ларни берган бўлса, учинчи тўлқин беш юз йилдан кейин келди, деб ўз фикримни айтмоқчи бўлам. Янги адабиёт, янгича маънавиятни берди. Бу тўлқин кифтида ҳеч шубҳасиз Ғафур Ғулом турарди.

Анча йиллар бурун Ғафур Ғулом хонадонидаяшаган хинд адиблари Сингхларнинг айтишича

Каликата (Калькутта шаҳри)да буюк Рабиндранат Тагор ўз ҳовлисида адиблар мактабини очгани, бу нафосат мактабидан кейинчалик инглиз мустамлака сиёсати таъсирига кирмаган машҳур қалам соҳиблари чиққанини айтишган эди. Ўттизинчи йилларда Чўлпон ва Ғафур Ғулом Рабиндранат Тагор шеърларидан, айниқса Нобель мукофотига сазовор бўлган дилнавоз шеърларни ўзбекчага таржима этишгани адабиётимизда сезиларли воқеа бўлган. Икки буюк шоиримиз ҳақида сўз айтмоқчиман: улар яқин дўст бўлишган. Устоз Чўлпон Ғафур Ғуломга бағишлаб шеър ёзган, бу шеър унинг «Соз» китобида босилган. 1936 йил охиридаги ёш шоир қаминга тил ва адабиёт ўқитувчимиз Самад Аҳмадий ва бошқалар билан Тошкент тиббиёт институти клиникасида хаста ётган Чўлпон домлани кўриб, суҳбатлашганимиз ҳақида матбуотда ёзган эдим. Шу суҳбатда устоз Чўлпон Ғафур Ғулом ҳақида ниҳоятда илқ сўзлар айтиб, унга замон шеърятининг забардаст шоири, деган таърифни бергани ҳамон ёдимда. Бу кечмиш кечағидай саксонбойларнинг ёдида турибди!

Ўзбек ёзувчиларининг дастлабки курултоида Ғафур Ғулом ўзбек халқ озгаки адабиёти — фольклори ҳақида қатта маъруза қилди — бу жуда муҳим илмий ижодий иш эди. Биринчи бор асрий дostonларимиз «Алломиш», «Гўр ўғли», «Кутгумиш»лар хусусида адолатли, чуқур илмий гап айтилди. Менинг назаримда, шу фикрлар сабаб бўлиб ўн йиллар давомида халқ озгаки адабиётимиз жонланди, машҳур бахшилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Тўлқин шоир, Ислон шоир, Нурали шоир ва бошқа бахшилар юзага чиқди, ижодлари ўрғанила бошланди. Албатта, Ғафур Ғулом ёнида фольклорни олим Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Жирмундский, кейинроқ Тўра Мирзаевлар бор эди, уларнинг хизмати гоятда буюк. Ўзбек халқ озгаки адабиёти — бўстониимизнинг ажралмас бир қисмидирки, аллома шоир буни яхши биларди, «Орагимнинг бир пораси бўлган дostonим...» деган эди. У ўз маърузасида айтган сўзларига умр бўйи амал қилди, дostonчи халқ бахшиларига ёрдам кўрсатиб, улар ижодига эътиборни кучайтирди.

Ғафур Ғулом донгдор, улуг шоирлигидан қатъи назар энг яхши, энг меҳрибон ота бўлган инсон, унинг фарзандлари, жиянлари тарбияли, ўқимишли, халқ илоғи фидокор кишилар бўлганини айтмай илож йўқ. Фарзанд тарбияси ҳам унинг ижоди, илмий ишлари, қисқаси унинг алломалиги билан баробар турди. Устознинг севиқли қизи Олмасхон адабиётчи, ота чирогини ёқиб ўтирибди, ўғиллари, жиянлари аниқ фанлар бўйича академиклардир, улар фаннимизга қатта хисса қўшмоқдалар. Улар ичида давлатимиз арбоблари ҳам бор. Академик Қори Ниёзий, академик Ёлқин Тўрақуллов, академик Иброҳим Мўминов, академик Маҳмуд Мирзаев, академик Воҳид Абдуллолар унинг кадрдон дўстлари ва ҳамкорлари бўлган.

Олтину гавҳар зангланмаслиги ва ҳеч қачон айнамаслиги билан ноёбдир. Беш фазилят устоз қалбини офтоб қилиб шу беш фазилят билан телиб турарди; бу — Ватанга садоқат, ҳаётда қаноат, меҳнатда матонат, дўстлараро адолат ва халқ иродасига итоат. У буюклик аргумоғига минди, авлодлар қалбида абадий ашайди.



# Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Ховлиқиш, шошилиш — пушаймонликнинг синглиси. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасан, муродинг осонлик билан ҳосил бўлади.

● Улфат ва муҳаббатнинг шартли тақаллуфсиз бўлишидир.

● Нолоннинг дўстлиги қуфлат ва машаққатдан ўзга нарса ҳосил этмайди.

● Ўз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши — эътибор ва илтифотдан соқитдир. Хеч ким уни кўзга илмайди.

● Очқич ва мулоимлик билан сўзлаш қаҳр-ғазабни кишининг ғазаб ўтига сув каби таъсир қилади, яъни сув ўтни ўчирган каби мулоимий сўзлаш ҳам ғазабни кишининг аччигини пасайтириб, кўнглини юмшатади.

### Байт:

Ҳамма одамга сен яхши

қиллик қил,  
Тилингни хуш, чиройини

илик қил.

● Қаҳр-ғазабни енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

● Шайх Саъдий айтди:

— Йигитлик ёшимда зўр куч-қувватга эга эдим, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг қўларини қайириб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди. Ниҳоят бир кун ўзимдан қувватли кишининг муштини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим. Ўзи ўғил, кучиб бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабру жафо айлама. Агар зўравонлигининг давом эттирсанг бир кун зўравонликнинг қандай кўнглин сиз натижани берганини кўрасан.

### Байт:

Чоҳ қазиса бирова бироз

эй ёр,

Унга ўзи йиқилур деган

масал бор.

● Арасту ҳаким айтди:

— Машшатга кифоя этарлик давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчани талаб қилмасин, беш кўлини озига тиккан киши бениҳоят қайғу-аламларга гирифторм бўлади.

● Машҳур олимлардан Жамолиддин Муҳаммад айтди:

— Бир бой киши хизматкорига ўзининг зийнатли асбоблари, насл-насабини сўзлаб, улар билан мактанди. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди:

— Сиз чиройли қимматбаҳо кийимлар кийиб, ўзингизга зеб бергансиз, у зийнат сизда эмас кийимлардадир. Минган отингиз билан мактансангиз зийнат, комиллик сўзда эмас отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан ифтихор қилсангиз, у фазилатнинг эгалари — улардир, сиз эмассиз. Агар фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмайди. У фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз. Хулқ-атворингизни тузатинг, фазилатли бўлинг. Мана бу ўз зийнатларингиз бўлади. У вақтда ўз зийнатларингиз билан ифтихор этишга ҳақли бўласиз.

### Байт:

Кутма дардингта даво, пасткаш,  
курбусоқ қимсадан,

Ким чиён ниши билан олғай  
овблардан тикан?

● Халқнинг муҳаббатини молу дунигингиз билан эмас, балки одоб, тарбиянгни, хушмуомалангиз билан ўзингизга жалб эта олмасиз.

● Биров сизга ишониб бирор нарсаи омонат қўйса, унинг молига хиёнат қилманг.

● Бошқалар ёнида бировага айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни ўзгалар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун ҳоли жойда насиҳат қилиш керак.

### Байт:

Бу пандимни эшит, фарзаңд

содиқ,

Билиб иш қил насиҳатга

мувофиқ.

Сенга ким ишониб, топшириб

қўйса омонат,

Эсанг доно унга қилма

хиёнат.

ХИКОЯТ. Донишмандлардан бири ўглини тикиштириб овкат ейишини таққилади. Угли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдирди, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшайдан яхшироқ эмасми?

Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача овкат ейишга одат қил, тикиштириб овкат ейиш беш кўлини озига тиккан оққўздан фарқ қилмайди. Очқўз кишини эса ҳар қадамда ҳалокат кутади. Е, ич, аммо исроф қилма, шў насиҳатга амал қилсанг, умринг узун бўлади.

# ҲАБИБИЙГА ҚИЁС ШОИР



ва ойнаи ҳаҳон кўрсатувларида мунтазам берилиб келин-

Абдуқодир Қаюмов Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетини битириб, 1961 йилдан журналистика ва бадиий ижод билан шуғулланган бўлса ҳам ўзининг катта адабиётга руҳан тайёр эмаслигини ич-ичидан ҳис қилиб, йиманиб битта-иккита шеър, латифанамо ҳажвиялар эълон қилиб кўярди. Лекин кейинги 5-10 йиллар давомида фаол ижодга киришиб, республикамизнинг нуфузли газета ва журналларида қатор лирик, фалсафий шеърлар, ҳажвияларини эълон қилди.

Шеърлари билан бастакорлар, ашулчилар қизиқиб, уларга мусиқа басталаб куйлай бошлади. Улар концерт залларида, радиоэшиттириш

моқда. Масалан, истеъдодли хонанда Раъно Бўронова айтадиган «Хар юрак шайдо бу кун», ёш ва эътиборли кўшиқчи Йигит Дилшод Жўраев ижросидаги «Гўзалим», «Кўнгли чамани», Сайдулла Хайдаров ижросидаги «Гуллар билан», бастакор Қаҳроман Қамолов яратган «Ёшлиқнинг олтин тори» кўп қисмли сюитаси каби ўнлаб асарлар фикримизнинг далилидир.

Унинг ҳажвиялари «Табассум» радиожурналларида интермедиа шаклида янграмоқда.

Абдуқодир Қаюмовнинг ижод йўлини мен кўпроқ Ўзбекистон халқ шоири марҳум Ҳабибийга қиёс қиламан. Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ деганларидек Ҳабибий домла ҳам илк газалларини ёшлари 50 дан ошгандан кейин эълон қилган эканлар. 90 ёшларда вафот этган бўлсалар қарийб 40 йил давомида иккита катта девон тўзиб халқимизга дурдона мерос қолдирганлар. Мен бу қиёсдан шунини айтмоқчиманки, Абдуқодир Қаюмов бадиий ижодга руҳан ва маънан етилган, ёзгани дур, сўйлагани нур бўлиб тараладиган фалсафа кирган. Уйлайманки, келгусида қатор шеърини жилдлар, ҳажвий тўпламлар чоп эттириб, халқимизнинг Мустақиллик маънавиятига ўз муносиб ҳиссасини қўшади.

### Ҳайдар МУҲАММАД,

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

## КЕКСА ЮРАК МАВЖЛАРИ

### МАНГУ БАҲОРИМ

Ватаним, дилдан куйлайман сени,  
Фарзандингман содиқ, суйгайсан мени.  
Жаҳоний даҳолар маърифингда бор.  
Жонфидо мардларнинг тарихингда бор.  
Сен дунё аҳлига тинчликда ёрсан,  
То абад бағри кенг, азим диёрсан.

Ватаним, ўйлайман, куйлайман сени,  
Сарбаланд тоғлару, азим дарёлар.  
Олтин водийларим, қадим дунёлар  
Мунаввар бағрингда кўлди маъданлар.  
Жонфидо фарзандимиз, она диёрсан,  
Муқаддас заминим, мангу баҳорсан.



Ватаним, ўйлаймиз, куйлаймиз сени,  
Сен Тошкент, Самарқанд, Бухоро азим,  
Фаргона, Сурхону, Қашқа, Хоразм,  
Буюксан, содиқмиз, минг бора таъзим,  
Истиқлол жамоли чин ифтихорсан  
То абад бағри кенг, азим дарёсан.



## ҲАМРОЗ КЕЛДИ

Кўнгли мулкени обод айламоққа сарвиноз келди,  
Ўзи ўтлуг, изи қутлуг, гўё болгарга ёз келди.  
Безиб маҳзун ҳаёллардан, кетардим дашту сахрога,  
Чаман шаббодаси эсанг каби мунис, ҳамроз келди.  
Қулар олам, қулар кўнгли, тунни кундай мунаввардир.

Тараннум айламоққа қайтадин мутрибу соз келди.  
Фироқ дашти сароб ўлди, алам узлатга қочмишдир,  
Сув ич деб зумрад булоқдан, висолдан илтимос келди.  
Аё Қодир, парирўй ҳуснини васф этмак  
Ҳаёлатинг яратган сарвинозу сарафроз келди.  
Абдуқодир ҚАЮМОВ

## • БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# Кўк чой хосияти

Мутахассислар японлар узоқ умр кўришининг асосий сабаби қадимдан уларнинг кўк чойни гўл ичиб келганлигида деб асосламоқдалар. Бугун олимлар кўк чойга бебаҳо доривор ичимликлардан бири сифатида қарашмоқда. Кўк чой қатор хасталикларга, жумладан тўшга ва қатор юқумли касалликларга даво экан. Шунингдек, кўк чой қон таркибидаги холестерин моддасини камайтиради, томирларни мустаҳкамлайди, сийдик йўллари тозалайди. Лейкемия ва ОИТС хасталикларига қарши ҳам кўк чойдан фойдаланиш тавсия этилмоқда. Япон шифокорлари кўк чойни рақ касалига қарши ишлатиладиган ҳар қандай яхши доридан ҳам афзал деб таъкидлашмоқда.

Тайёрлаш маромида ўзининг баъзи шифобахш хусусиятларини йўқотадиган қора чойга нисбатан кўк чой дамланганда ҳам ўз фойдали томонларини сақлаб қолади. Дамланган кўк чойда А ва Е дармондорилари йўқолади. Кальций, темир моддаси ва М дармондориларининг қуввати сусаяди. Узоқ изланишлардан кейин олимлар бунинг ҳам йўлини топишди. Кўк чой бағрининг ўзи чайналса унинг таркибидаги барча хусусиятлардан самарали фойдаланиш мумкин экан. Кўк чой бағрининг 6 граммни 3 пибёла чой ўрнини босиб организмнинг Е дармондорига бўлган талабини 50 фоизга ва А дармондорига бўлган талабини 20 фоизга қондир экан.

Ушбу усул асосида қадоқланган кўк чой қуқунни тайёрлаб сотишмоқда. Бу қуқунни турли таомлар устига сепиб истеъмол қилиш ҳам мумкин. Японияда бундай қуқунлар музқаймоқларда ва сақичларда кенг қўлланилмоқда.

Бу кўк чойнинг барча хусусиятлари эмас. Кўк чой устида кенг тадқиқотлар олиб боришмоқда. Эрта-индин унинг янги-янги хусусиятлари очилса ажаб эмас.

Маъпура НАБИЕВА тайёрлади.

Тошкент Ҳиндистон маданият марказида таниқли ўзбек расмолари, санъатшунослар ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирокида «Қамолиддин Бехзод — Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

# Бехзод ижодига бағишланди

Шарқ миниатюра санъатининг ривожини айнан Қамолиддин Бехзод номи билан боғлиқ. Унинг асарлари нозик дид, нафис гўзаллик ила ишланганлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу асарлар асрлар давомида ўзининг боқийлигини йўқотмайди. Тадбирда К.Бехзоднинг бетакрор ижод йўли ҳақида сўз борди. Ҳиндшунос олим Фотиҳ Тешабоев мусаввирнинг ижод йўли, яратган асарлари ҳақида сўзлаб берди.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан иккита асосий мақсад кўзланади. Биринчиси марказга келувчи санъат муҳлисига 15-16 асрнинг машҳур мусаввирини, наққоши Қамолиддин Бехзод ижоди ҳақида маълумот бериш, иккинчиси эса, санъат ҳаваскорларини Бехзод бошлаб берган Ҳирот миниатюра мактаби ва унинг хинд расмолари ижодида кўрсатган таъсири билан таништиришдан иборат, — деди Ф.Тешабоев.

Ф.Тешабоевнинг таъкидлашича, 15-16 асрларда ва ундан кейинроқ яратилган «Бобурнома», «Зафарнома», «Дорулнома», «Акбарнома» сингари асарларга иш-

ланган аjoyиб миниатюраларнинг яратилишида истеъдодли хинд мусаввирлари билан бир қаторда Бехзод мактабида таълим олган Мирсаид Али, Дўстмуҳаммад, Абдусалом каби санъаткорлар қатнашган. Мазкур миниатюралар ўша даврларда Бобурийлар санъати билан хинд расмомчилиги ўзвий ривожланиб борганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Демак, Ҳиротдаги миниатюра мактаби билан Бобурийлар давридаги хинд мусаввирлик санъати биргаликда ўрганилса, маданиятларимиз тарихининг муштарак фазилатлари ва ўзаро яқинлиги, асрий илдизлари, қардошлик алоқаларини кенгроқ тасаввур қилиш мумкин бўлади.

— Мусаввир ижоди билан яқиндан танишиш, халқимизда унинг санъати ҳақидаги маълумотларини янада кенгайтириш мақсадида мазкур анжуманни таъкил этдик, — деди марказ директори доктор В.Лобо «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Санъат халқларни янада яқинлаштиради. Мақсадимиз хинд халқи ҳам бу буюк мусаввир асарлари билан қичқиндан танишин.

«Туркистон-пресс»



Спорт

Ҳамюртимизга ишонч

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг аъзоси, 2002 йилнинг «Энг яхши футболчиси» Александр Гейнрихга хорижлик футбол мутахассисларининг назари тушди.

Утган йилги Россия чемпионатининг кумуш медали совриндори Москванинг ЦСКА жамоаси бош мураббийси Валерий Газзаев Гейнрихга умид қизи билан қарамқода шекилли, жорий йилги мавсумда ҳамюртимиз ЦСКА таркибда тўп суришини маълум қилди.

Биз эса миллионлаб футбол ишқибозлари номидан Александр Гейнрихга Россия биринчилигида муваффақиятли тўп суришини тилаб қоламиз.

Учинчи анъанавий турнир

Истиклол шарофати туфайли юртимизда спортнинг мотополга тури ҳам жадал ривожланмоқда.

Буни куни кеча Юнусободда 11-16 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштирилган учинчи анъанавий мотополга турнири яна бир қара исботлаб турибди. 45, 125, 500 километр масофалар бўйлаб ўтказилган мусобақаларда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган мотополгачилар голиблик учун кураш олиб боришди. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, ушбу бешлашларда Олмалик кон-металлургия комбинати жамоаси аъзолари биринчи ўринни эгаллашди. Яқна тартибдаги баҳсларда эса Игорь Сичев рақибларидан кўра маҳоратлироқ эканлигини исботлаб турнир голиблигини қўлга киритди.

Косонсойда мини-футбол

Миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Наманганнинг Косонсой туманида мини-футбол турнири уюштирилди.

Косонсой туманида чоп этилаётган «Интер-футбол» газетаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу турнирда тумандаги корхона-ташкilotларнинг 8 та жамоаси голиблик учун кураш олиб борди. Финалда рўбарў келган туман солиқ инспекциясининг «Солиқчи» ҳамда «Садача» маҳалласи жамоалари учрашувидан 7:2 ҳисоби кайд этилди. Рақиблари дарвозасига 7 мартаба тўп йўллашга муваффақ бўлган «Солиқчи»лар турнир голиблигини қўлга киритишди. Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совгалари тақдим этилди.

Акбар Йўлдошев

Ҳа, одамлар бор, ўтган вақтига ачинмайди, одамлар бор, ҳар дақиқа вақтининг қадрига етади. Вақт ҳақида ҳаёл суриб, шу тобада шоиримиз Собир Абдулланинг қуйидаги сатрлари ёдимизга тушди.

Умр бўш ўтмасин бўстон этиб кет,  
Маломат тоғини талқон этиб кет...

Ажойиб санъаткор Юнус Ражабий (охиратлари обод бўлсин) ҳеч кимга «вақтим йўқ» демас эканлар. Қўлларидан сира қалам, дафтар тушмас экан. Режа билан деярли ҳамма ишлари битаверар экан. Чойхонадами, кўча-қўйдами тенгқурлари, нуронийлар билан доимо ҳол-аҳвол сўрашиб, суҳбатлашарканлар. Яна кимнингдир боши ёстиқча етган бўлса, тезда хабар олишни унутмас эканлар. Шунинг учун ҳам «Бешёғоч» даҳасидагилар устоз санъаткорни ниҳоятда ҳурмат қилишаркан.

Айниқса, миллий одатларимиз, маданиятимизни қадрлашларини айтмайсизми? Миллий кийимларни, бошларидан ўзбек дўпписини сира қўймас эдилар.

Юнус Ражабий қиёфаси расомларимиз томонидан кўплаб яратилган. Ҳаммаси бир-биридан фарқ қилади. Ҳамма гап айна ўхшашликда эмас, бу ҳолда фотосуратдан фарқи бўлмай қолади. Унга бадийлик керак. Энг муҳими бадий ранг албатта зарур. Инсоннинг руҳий дунёси санъат муҳлисларига кўриниши шарт.

Ўзбекистон халқ расоми Неймат Кўзибоев ижоди анчадан буён мени қизиқтириб келади. Бу мусаввир билан 1988 йилда яхшироқ танишганимдан сўнг уни тузукроқ тушуна бордим. Сир-асрорлари тарихни пухта билишида экан. Аллақачонлар портрет устаси бўлиб танилган. «Абу Райхон Беруний», «Ал-Хоразмий», «Алишер Навоий Хусайн Бойқаро хузуридан», «Юсуф Саққокий», «Сайқалий», «Шоир Равнок», «Фуркат», «Ҳамза», «Абдулла Қодирий оиласи» портретларини томоша қилганимда мана бу ҳақиқий ижод, деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қўлибман. Ушбу портретлардан инсоннинг руҳий олами тўла ёритилган. Кишининг қайта-қайта кўргиси келаверади. Бу мўйқалам сеҳри албатта. Бундан олдин Ўзбекистон Давлат санъат музейида «Юнус Ражабий» портретини кўриб, завқларга тўлгандим.

—Эҳ-ҳе, у портретни аллақачонлар яратганман, — дейди Неймат Кўзибоевнинг ўзи ушбу асар ҳақида, — олтмишинчи йилларда Юнус аканинг уйларига қатнайвериб, ҳаракатларини кузатавериб, дилқушо суҳбатлардан сўнг ниҳоят қалбимга қўлок солиб, сира шошилмай тасвирлаганман. Ун-

гача бир қанча чала ётган ишларим битган. Юнус ака қиёфаларини яратаётганимни билмасдилар. Айтишни ҳам хоҳламадим. Шундай қилганим яхши бўлибди. Бир пиёла чой устида ширин суҳбатлар қураддик. Ўзбеклар одати, қадимги маданиятимиз, урф-одатларимиз ҳақидаги гапларини берилиб тинглардим. Бир куни кутмаган эканлар, битган қиёфаларини кўрсатганимда хайратдан ич-ичдан севиниб, «Яшавор-е, ўзимдан ҳам ошириб юборибсан шекилли, наҳоти тасвирдаги етук, баркамол инсон бўлсан» деб, кўзларига ёш олдилар.

Мусаввир асари орандан унча кўп вақт ўтмай, республика кўргазмасида намойиш этилган, 1977 йилда Македонияда очилган Ўзбекистон тасвирий санъати кўргазмасида чет эллик санъат муҳлислари эътиборини тортди. Яхши фикрлар билдиришди. Сўнг санъат музейи фондига қабул қилинди. Қарий 35 йилдирки, «Юнус Ражабий» портрети музейда. Энг яхши асарлар сирасига қиради.

Музейнинг Ўзбекистон тасвирий санъати бўлими залларидан бирига қўйилиши билан бу портрет олдида томошабинлар оқими кўпайиб қолди. Анча каттароқ ишланган портретда бастакорнинг барча хусусиятлари очиб берилганди. Айниқса, биринчи навбатда ташки кўринишлари, кийим-кечаклари, миллий ғурур кўзга ташланса, иккинчи мақсад, ички кичинчалари, ўй-хаёл, ақлнинг баркамоллиги рўй-рост ўз ифодасини топиши санъат муҳлисларига

ёқарди. Мусаввирнинг ютуғи ҳам ўхшашликда, ҳам бадийликда эди. Портретга хос ҳамма жиҳатлари ташқарида акс этиб турарди. Ана шуниси билан фотосуратлардан фарқ қиларди. Неймат Кўзибоев портрет санъатининг операторидек сезиларди. Тошкент бадий билим юрти ва Санкт-Петербургдаги Репин номли бадий академияни тугатгани учун пухта илм махсулини билиш мумкин эди. Шу портрет ва бошқа ижод намуналари мусаввир Неймат Кўзибоевга омад келтирди. Ушандаёқ халқ расоми, сўнгра Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати бўлди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса академик мусаввир даражасига етди.

Маҳмуд РАМАЗОН,  
А. Қодирий номи Тошкент Давлат маданият институтининг «Санъат тарихи» кафедраси ўқитувчиси, санъатшуноси.

• МУСАВВИР ИЖОДХОНАСИДА

Мўйқалам сеҳри

Унинг буюклигини қуйидаги маълумотлар исботлаб турибди: «Юнус Ражабий (1897-1976), мусиқа фольклорчиси, бастакор, ашулачи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги (1966), Ўзбекистон халқ артисти (1958), Ўзбек мусиқа меросини тўплаб, нашр эттирган («Ўзбек халқ мусикаси», 1-5-томлар, 1966-75), уларни илмий изоҳлаган («Мусиқий меросимизга бир назар», 1978). Опера («Зайнаб ва Омон», 1958 ҳамкорликда), бир неча мусиқий драмаларга қўйлар басталаган. Шамақом, ашула йўллари ва бошқа классик ашулаларни ўзига хос ижро этган. Ўзбекистон радиоси Халқ чолғу асбоблари оркестрининг (1927) ва Маком ансамбли (1959 йилгача оркестрининг, сўнгра ансамблининг бадий раҳбари), Ҳамза мукофоти лауреати (1973).



• ҚАТРА ХАНДАЛАР

Бир музлим ҳамкасбига деди:  
— Янги пальто олибсиз, муборак бўлсин?!  
— Янги эмас, ўн икки йил бурун минг сўмга сотиб олгандим, шуни яқинда 7 минг сўмга бўяттирдим.

Талаба қиз ўзбек тили ўқитувчисидан сўрапти:  
— Устоз, менинг баҳоим неччи?  
— Сиз бебаҳосиз!

Талаба қизлар бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашмоқда:  
— Салимаҳон, яхшимсиз, соғлингиз яхшими?  
— Худога шукр, отдайман.  
— Вой, гавдасини қаранглр, қилтириқдай-ку, отдайман, деганига ўлайми?..

— Худо йўлига садақ қилинг, биродар!  
— Пул йўқ, оғайни!  
— Пул бўлмаса, ишлаш керак, барака топкур!

— Худо йўлига садақ қилинг, биродар!  
— Пул йўқ, оғайни!  
— Пул бўлмаса, ишлаш керак, барака топкур!

Муҳбир қизикчидан сўради:  
— Сизингча, саҳна ўзи нима?  
— Саҳна муқаддас жой. Мен саҳнада маъза қиламан, балиқ бўлиб сузаман. Илҳом ҳам саҳнада туғилади.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ.

• ҒАРОЙИБ ОЛАМ

Ҳар соатда чиқади

«Стейс ньюс сервис» ва «Файнэшл уорлд» журнали ҳамкорликда янги газета ташкил этдилар. Газета 20 саҳифадан иборат бўлиб, унда элликача яқин мақола ва хабар босилади. Рўзноманинг асосини реклама ва эълонлар ташкил этади. Чўнки молиявий ҳаражатлар шундан келган маблағ ҳисобига қопланади.

Қизиғи шундаки, рўзнома ҳар соатда чиқиб туради. Демак, ундаги информация билдиришлар, халқро воқеаларга оид хабарлар, мамлакат ҳаёти ва об-ҳаво янгиликлари ҳар соатда янгилиниб туради, қўшимчалар киритилади, алмашти-

рилади ва бутун АҚШ давлати бўйлаб тақрилади. Рўзноманинг номи ҳам унинг ғовий йўналишидан келиб чиққан «Лейтест ньюс», яъни «Сўнгги янгиликлар».

Энг кичик парашютчи

Австриялик беш ёшли Тристан Хайцингер жаҳонда энг кичик парашютчидир. Оилада парашют билан шуғулланиш сеvimли машғулот ҳисобланади. Болақайнинг онаси спортнинг шу тури мусобақаларида бир неча марта муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. Қонун бўйича болаларнинг парашютда сакраши тақиқланиши сабабли Тристан ўзининг биринчи сакрашини катта ёшдаги ҳамкасбларининг кўрагида болганлар ҳолда бажарди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**  
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунамадек таъжирларни, таваллуд қиларди, туғилар, кўйилар, муқоабати билан туғулларини, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саждаларинда бритади.  
Эълонлар шайх ва нешибдан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.  
Маълумотлар учун телларин: 133-28-95  
Факс: (8712) 133-29-09  
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУТЧИЛАР КҲАСИ 02-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги туман Назорат бўлими Бош инспектори Миржамол Мирсоатовнинг волидаи муҳтарамаси **САИДА** аянинг вафот этганига муносабати билан унинг яқинлигига чўқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир**  
Акмак АҚРОМОВ

Манзилими: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
Тошкент оқшоми ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (8712) 133-29-09.  
Хажини — 2 босма тизим офсет усулида босилади.  
7587 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида Чўқандан билан рўйхатда олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-7405 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-09.

Босмага топшириш вақти 12.00

Топширилди 12.40

1 2 3 4 5 6